

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**235 Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил  
13 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1724-2*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 23-моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 11 сентябрдаги 2007-54-сонли қарори (рўйхат рақами 1724, 2007 йил 9 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 41-42-сон, 422-модда) билан тасдиқланган Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 6 май,  
2014-17-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил  
6 майдаги 2014-17-сон қарорига  
ИЛОВА

**Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар** — Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига йўналтирилаётган мажбурий пул тўловлари;».

2. 4 — 7-бандлардаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар» деган сўзлар «Бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Ҳисобланган пеня суммаси солиқ қарзи мавжуд солиқлар ва бошқа мажбурий тўлов турлари бўйича тақсимланади, лекин илгари ҳисобланган пеня суммаси солиқ қарзи суммасига тенг ёки ошиб кетган солиқ турлари бўйича солиқ тўловчининг шахсий карточкаларида акс эттирилмайди.

«Мисол:

сўм.

Солиқ тури	Солиқ қарзи		Ортиқча тўланган сумма	Қолдиқ (+, -)*	Пеня ҳисоблаш даври	Ҳисобланган пеня	Илгари ҳисобланган пеня қолдиғи	Пеня тақсимооти	Яқуний пеня суммаси
	суммаси	%да							
Қўшилган қиймат солиғи	55 000	17,5	-	х	х	х	55 000	238,2	55 000
Акциз солиғи	60 000	19,0	-	х	х	х	65 000	258,7	65 000
Фойда солиғи	200 000	63,5	-	х	х	х	10 000	864,4	10 864,4
Бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар	-	-	100 000	х	х	х	-	-	-
Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар	-	-	50 000	х	х	х	-	-	-
Жами	315 000	100	150 000	-165 000	25	1 361,3	130 000	1 361,3	130 864,4

\* « + » — ортиқча тўланган сумма бўйича қолдиқ;

« - » — солиқ қарзи бўйича қолдиқ.»

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

*Молия вазири**Р. АЗИМОВ**2014 йил 6 май*